

Ѓўзанинг сувга талаби ва суғориш режими

Ѓўзанинг сувга талаби ўсиш фазасига кўра ўзгариб туради. Хароратнинг кўтарилиши ва нисбий намликнинг пасайиши билан ғўзанинг сувга бўлган талаби ортиб боради. Шунинг учун кўсакларнинг кўпайиши ва яхши ривожланишини таъминлашда тупроқ намлигини бутун вегетация (ўсиш) давомида оптимал даражада ушлаб туриш керак.

Суғориш режими дейилганда тупроқ шароити ва ўсимликни талабиги қараб белгиланадиган суғоришлар сони, муддатлари, усуллари, бир марта ва бир мавсумдаги берилган жами сув нормалари йиғиндиси тушунилади.

Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш эвазига кўзда тутилган ҳосилдорликка эришиш учун ғўзанинг суғориш муддатини тўғри белгилаш жуда муҳимдир. Бунинг жуда кўп усуллари мавжуд бўлиб унинг асосийлари ташқи белгилари ва физиологик кўрсаткичларига, шунингдек тупроқ намлигига қараб суғориш ҳисобланади.

Ѓўзанинг суғориш муддатини аниқлашда кенг тарқалган усул суғоришни тупроқнинг илдиз қатлами намлигига қараб ўтказишдир. Тупроқ намлиги ғўза ўсиши ва ривожланиши жараёнида катта роль ўйнайди. Уни тўғри йўлга қўйиш билан ўсимликни ўсиш суръати ва ҳосил элементларини тўплаш жараёнини ўзгартириш мумкин.

Шароитга қараб суғоришдан олдинги тупроқ оптимал намлиги қуйи чегараси қуйидаги катталиклар атрофида ўзгаради: гуллашга ва гуллаш-кўсак тугиш даврида тўла нам сиғимидан 65 фоиздан 75 фоизгача, пишиш даврида эса бу кўрсаткич 50 фоиздан 65 фоизгача бўлади.

Тупроқ намлиги суғоришдан олдин биров шўрлаган ва механик таркиби енгил бўлган тупроқларда юқорироқ даражада, шўрламаган ва нам сиғими каттароқ бўлган тупроқларда биров кичикроқ даражада сақланиб туриши керак.

Тупроқнинг суғоришдан олдинги оптимал намлиги ғўза турлари (навлари) ва пахта экиш ҳудудларига қараб ҳам ўзгаради.

Ўзбекистон илмий-тадқиқот пахтачилик институтининг тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки (сизот сувлари чуқурлиги 3-4 м) суғориш ғўза гуллашигача тупроқ намлиги тўла нам сиғимидан камида 70 фоиз, гуллаш кўсак тугиш даврида 75 фоиз ва пишиш даврида 60-65 фоиз бўлганда ўтказиш лозим.

Сизот сувлари чуқурлиги 2-3 м бўлганда ҳам суғоришдан олдинги тупроқ намлиги худди шу даражада бўлиши керак.

Агар ССЧ 1-2 м чуқурликда жойлашганда эса, ғўзани суғоришдан олдин мўътадилроқ намликни тўла нам сиғимидан 70-70-60 фоиз бўлиши керак.

Кўпчилик тадқиқотлар натижасида ғўзанинг вегетация давомида сувга бўлган талабини уч даврга: гуллашгача, гуллаш-кўсак тугиш ва пишиш даврларига бўлинади. Уларнинг аниқлашишича сувнинг максимал миқдори иккинчи, яъни ғўза гуллаш-кўсак тугиш даврида берилиши керак. Бу даврларда сув сарфи 1:3:1 нисбатда бўлади ва шунга мувофиқ кўп майдонларда 1:3:1 суғориш схемаси тавсия қилинади.

Ѓўзанинг суғориш режимини гуллаш-кўсак тугиш даврида аниқлашда шуни ҳисобга олиш керакки, бу даврда илдиз системаси кучли ривожланиб, 1 м ва ундан ҳам

чуқурликкача кириб боради, барглар сатҳи кенгаяди. Ғўзанинг сувга бўлган талаби бу даврда суткасига ҳар гектар майдонга 70-100 м³ ва ундан ортиққа тўғри келади, бу эса кўп миқдорда сув талаб қилишга олиб келади. Шунинг учун ҳам ғўзани гуллаш-кўсак тугиш даврида ғўзани суғоришни кечиктириш мумкин эмас.

Бу даврда ғўзани чанқатиб қўйиш, ўсиш ва ривожланишнинг секинлашувига олиб келади, барглар сўлийди, кўплаб шона ва тугунчалар тўкилиб, ҳосил камайиб кетади. Пишиш даврида ғўзанинг ҳаёт фаолияти сусайиши муносабати билан, унинг сувга бўлган талаби анча камаяди. Аммо бу даврда ҳам суғоришни тўғри бошқариш уни эрта ёки кеч тамом бўлишига йўл қўймаслик керак.

Чучик ва кучсиз минераллашган сизот сувлари 1-2 м чуқурликда жойлашган майдонларда суғоришлар сони ва мавсумий сув бериш нормаси сезиларли даражада камаяди. Чунки ғўза ўзининг сувга бўлган талабининг бир қисмини ўша сувлар ҳисобидан қондиради. Бунда биринчи сувни ғўза гуллаш бошлаганда, яъни 15-20 июнда гектарига 700-800 м³ нормада ўтказиш лозим. Ғўза гуллаб, кўсак тугиш даврида 1000-1050 м³ норма билан 2 марта суғориши лозим. Охириги суғоришни эса август ойининг сўнги ўн кунлигида ўтказиш тавсия қилинади.

Сизот сувлари 2-3 метр чуқурликда жойлашган майдонларда ғўзани 5-6 марта суғориш керак. Биринчи суғоришни гектарига 700-800 м³ нормада ғўза гуллашгача одатдаги йилларда 10-15 июнда, ҳаво иссиқ ва қуруқ келган йилларда эса 1-5 июнда суғориш зарур. Ғўзани гуллаш-кўсак тугиш даврида гектарига 900-1100 м³ нормада 3-4 марта суғориш зарур. Суғоришлар ўртасидаги давр июн-июлда 15-18 кун ва августда 18-20 кунни ташкил қилади.

Охириги суғоришни эса гектарига 800-900 м³ нормада сентябр ойининг бошларида ўтказиш даркор. Мавсумий сув бериш нормаси 5500-6000 м³ бўлиши тавсия этилади.